

Олий таълим муассасаларида “Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!” шиори остида ўтиладиган “Мустақиллик дарси” бўйича намунавий ўқув дастури

Олий таълим муассасаларида “Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!” шиори остида ўтиладиган “Мустақиллик дарси” ва “Маънавият соати”нинг намунавий режаси

№	Машғулот тури	Ажратилган соат
1.	Маъруза	4
2.	Семинар	2
	Жами:	6

Олий таълим муассасаларида “Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!” шиори остида ўтиладиган “Мустақиллик дарси” бўйича мавзулар

№	Машғулот тури	Ажратилган соат
Маъруза		
1.	“Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!” (Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-3095-сонли қарорида илгари сурилган ғоялар хусусида)	2
2.	Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. (Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг “Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”, “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондириши керак”, “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”, “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз” номли китобларида илгари сурилган ғоялар хусусида)	2
Семинар		
3.	Ҳаракатлар стратегияси – ислохотларнинг янги босқичи. (2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти хусусида)	2

1-майруза. “ФИДОЙИНГ БЎЛГАЙМИЗ СЕНИ, ЎЗБЕКИСТОН!”

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-3095-сонли қарорида илгари сурилган ғоялар хусусида)

РЕЖА

- 1. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-3095-сонли Президент қарорида илгари сурилган ғоялар.**
- 2. Бугунги кунда фидойиликнинг зарурати ва аҳамияти.**
- 3. Фидойилик ва мустақилликнинг мустаҳкамланиши.**

1-масала. «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-3095-сонли Президент қарорида илгари сурилган ғоялар.

Албатта, бу Ватанда яшовчи халқ неча суронли синовларни бошидан ўтказди, қанчадан-қанча мард ва жасур, фидойи инсонларни, ўғлонларни етиштирди. Жонажон мамлакатимиз сарҳадларини, эрки ва озодлигини ҳимоя қилиш учун ана шу сардор ўғлонлар, ҳаттоки уларни дунёга келтирган оналари ҳам ўзларининг ширин жонини фидо қилишдан қочмади, шу азиз Ватан учун фидокорликни ўзига шараф деб билди.

Ватанимиз тарихида мутлақо янги саҳифа очган Ўзбекистон мустақиллигининг 26 йиллигини муносиб кутиб олиш, истиқлол даврида эришаётган ютуқларимизни яна бир бор сарҳисоб қилиб, эл-юртимизни янги марралар сари руҳлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан 2017 йил 27 июнда «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти

йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ПҚ-3095-сонли Президент қарори асосида **“Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқилди.

Энди мазкур Қарорнинг мазмун-моҳияти ҳақида мулоҳаза қилиб кўрсак мақсадга мувофиқ бўларди. Бу қарор ўзининг нуфузи, залвори, юракка яқинлиги билан бошқа қарорлардан фарқ қилади. Унинг ҳар банди, сатри замирида катта маъно-мазмун, тарихий ҳақиқатлар мужассамлигини яхши англаймиз. Қарорнинг биринчи бандида 1-сентябрь — Мустақиллик куни экани эътироф этиларкан, **«...Халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан буюк тарихий сана»**, деб таъкидланади. Нима учун **«асрий орзу интилишлар»** дейилмоқда? Бугунги ёшлар теран биладими, бу «асрий орзу интилишлар» нималардан иборатлигини? Бу уч сўз ортида бир асрдан зиёд қарамлик даврининг азоб-уқубатлари, мусибатлари, кулфатлари, катағонлари ётганини улар англашяптими?

Қисқа қилиб айтганда, бу сўзлар ортида аччиқ тарихимиз ётибди. Жафокаш халқимизнинг, ор-номусли, ватанпарвар аждодларимизнинг эрк, озодлик, мустақиллик, дея тўккан қони ётибди, орзу армонлари ётибди, қамоқхоналарда, сургунларда ҳаётдан кўз юмган ота-боболаримизнинг жони ётибди, отилган, дорга осилган минг-минглаб инсонларнинг қисмати, оилаларнинг, етим қолган болаларнинг фожиали тақдири ётибди.

Қарамликнинг даҳшатларини, совет давлатининг золим сиёсатини аниқроқ тасаввур қилиш имконини берадиган айрим мисолларга эътибор қаратайлик. **«1937-1939 йилларнинг ўзидагина... 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди...»**

Уларнинг аксарияти туман ва вилоятлар раҳбарлари, маданият ва таълим ходимлари, олимлар, шоир, ёзувчилар, журналистлар, ўқитувчилар эди, миллатнинг зиёлилари, ватанпарварлари эди... Улар «миллатчи»,

«жадидчи», «Ватан хоини», «чет эл империализмининг айғоқчиси», «пантуркист» каби турли бўҳтонлар билан йўқ қилинганди. Аслида улар озодлик, эрк ҳақида гапиргани, ўз халқига ачингани, ҳақ-ҳуқуқини сўрагани учун хавфли душман сифатида қатағон қилинганди.

Юртимиз қарамликда қолган **130 йил** давомида қирғину қатағонлар узлуксиз давом этган. **1983-1989 йилларда «Пахта иши», «Ўзбек иши»** там-ғаси остида совет давлати Ўзбекистонда сўнгги қатағонни ўтказди. Мустабид замонда халқимиз тортган жабр-зулмнинг, бошимизга тушган кулфатларнинг, йўқотишларнинг чеки-чегараси бўлмаган. Халқимиз озодлик, ҳурлик учун узоқ курашган. Шунинг учун ҳам мустақиллик халқимизнинг асрий орзу интилишлари бўлган. Бу орзунинг ушалиши эса Биринчи Президентимиз **Ислом Абдуғаниевич Каримов** номи билан чамбарчас боғлиқлигини такрор-такрор эътироф этиш мумкин.

Қарорда мустақиллигимиз **«Буюк ва бебаҳо неъмат»** деб қадрланяпти, улуғланяпти. Буюклиги, бебаҳолиги нимаданлиги эътироф этиляпти. **«Мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда»**, дейилади қарорда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолмоқда, деб алоҳида таъкидланади.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон қандай ютуқларга эришаётган бўлса, барчасининг замирида мустақиллик берган ҳуқуқ, имконият, ваколат турибди. Мустақиллик туфайли, қарорда айтилганидек, жаҳон харитасида Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотида дунё давлатлари байроқлари қаторида Ўзбекистонимиз байроғи ҳам ҳилпирай бошлади. Биз ўз номимиздан ўзимиз гапириш, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, ўз юртимизга ўзимиз эгалик қилишдек олий ҳуқуққа, бахтга муяссар бўлдик.

Айни пайтда, “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорда қайд этилганидек, бугун истиқлолимизни янада мустаҳкамлаш бир қатор вазифаларни фидойилик, шижоат билан бажаришни тақозо этмоқда. Қарорнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, унда мустақилликнинг 26 йиллик байрамини бешта тамойил ва ғоялар асосида ўтказиш бўйича тавсиялар берилгани бўлди. Жумладан, **“Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз”**, **“Халқ давлат давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”**, **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”** каби тамойил ва ғоялар асосида мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, уларни халқимиз онгу тафаккурига сингдириш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хўш, нега айнан шундай ғоя тавсия этилди? Унинг мазмун-моҳияти нимада?

“Фидо бўлиш” янги мақсадлар сари ўзини сафарбар этиш, “чексиз садоқатни намоён этиш” дегани, аслида, ҳар бир кишининг, пировард натижада бутун жамиятнинг бугунги кундан тўла-тўқис қоникмаётгани, муайян камчиликлар мавжудлиги, бундай муаммою камчиликларни бартараф этиш эса ҳар биримиздан жонни фидо қилишни талаб этаётганини англатади. Мақсадни, маррани баланд олсаг-у, ҳаётимиз, турмушимиз кечагидан фаровон, гўзал бўлишини истасак-да, аммо ишимизнинг суръатини оширмасдан, ўтган кундаги тезликда фаолият кўрсатиш асносида бой, бадавлат ва бахтли ҳаётни орзу қилсак, бу “фидойилик”ка уйғун ҳол эмас. “Фидойилик” барчамиздан кечаги кундан бугун кўпроқ, сифатлироқ, унумлироқ ишлашни, фикр қилишни, мушоҳадани, таҳлилни, хулоса чиқаришни, самара ва натижани кўзлаб иш юритишни талаб этади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев сўнгги пайтларда бир иборани бот-бот такрорламоқда. Бу – ҳар биримиздан “ўзини қийнаш”ни талаб этмоқликда намоён бўлмоқда. Хўш, “ўзини қийнаш”ни

кандай тушунмоқ зарур, умуман, “Ўзини қийнаш” керакми, у инсонга хос ҳолатми? Бу саволга жавоб бериш жуда қийин. Яъни, инсон доим эркинликка, хотиржамликка, жоннинг роҳатига, лаззатга мойил. Бундан барчамиз қониқиш ҳосил қиламиз. Аммо ҳаёт фақат лаззатдан иборат эмас-ку? Барча моддий таъминотлар, бойликлар қачондир ўз ниҳоясига етади. Шундай экан, инсондаги истеъмолчилик кайфиятини яратувчиликка алмаштириш зарурлигини барчамиз биламиз-ку? Қолаверса, инсонда доимо ортиб борадиган ҳолат – унинг эҳтиёжи. Қанча яхши яшасак, турмушимиз қанча фаровон бўлса, бизда унданда яхшироқ, аълороқ ҳаёт ва турмуш барпо этиш истаги туғилаверади.

Бироқ, фаровон, обод ҳаёт фақат истак, хоҳишлар билангина пайдо бўлмайди. Унинг учун ҳаракат, курашиш, тинимсиз меҳнат қилиш қилиш лозим. Қолаверса, кечагидан бугун, бугундан эса эртага фаровон турмуш қуриш учун инсон доимо ҳаракатда бўлиши зарур. Ана шу нарсани муҳтарам Президентимиз “Ўзини қийнаш” деб атайди.

Қарорга мувофиқ, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиси ҳамда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурининг маъно-мазмунидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди:

- **“Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”** деган тамойилга асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш орқали давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишларни атрофлича ёритиш;

- **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган тамойил асосида жойларда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан халқ билан очиқ ва самарали

мулоқот олиб бориш тизими йўлга қўйилгани, бунинг натижасида фуқароларнинг кўплаб муурожаат ва муаммолари қонуний ҳал этилаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

- қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини мустаҳкамлаш, ички ишлар тизими ва прокуратура органларида амалга оширилаётган туб ислоҳотларни асосий мавзулардан бири сифатида акс эттириш;

- иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштириш, унинг рақобатдошлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ва мутаносиб тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш, эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини ёритишга кенг ўрин ва аҳамият бериш;

- **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”** деган ғоя асосида аҳоли, айниқса, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий бизнес ва касаначилик, томорқа хўжалигини ривожлантириш учун янги имконият ва преференциялар яратиш бериш, банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратиш, тегишли ташкилотлар орқали зарур ресурслар етказиб бериш тизими йўлга қўйилганини аниқ мисоллар билан кўрсатиш;

- ижтимоий соҳада аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат ва адабиёт, спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини самарали олиб боришга қаратилган ишларга алоҳида урғу бериш;

- шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тобора очилиб бораётгани, аҳоли учун намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, электр энергияси, тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминотини яхшилашга қаратилган ишларни атрофлича ёритиш;

- **“Маънавият – энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз”** деган тамойилга мувофиқ аҳолининг маданий савиясини юксалтириш, ёшлар ўртасида китобхонлик, жумладан, электрон китобхонликни ривожлантириш, ижодкор зиёлиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ва уларнинг ютуқларини тарғиб этиш борасидаги ишларни кенг акс эттириш;

- қўлга киритган барча ютуқларимизнинг асосий омили ва мезони сифатида биринчи навбатда халқимизнинг фидокорона меҳнати, одамларимиз, авваламбор, ёшларимизнинг дунёқараши, сиёсий онги ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги тобора кучайиб бораётганини ҳаётий далил ва мисоллар орқали талқин этиш;

- хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, **қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш** тамойилига асосан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини очиб бериш;

- мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кучайтириш, жаҳон миқёсида рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо огоҳ ва хушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканини кенг жамоатчиликка етказиш.

2-масала. Бугунги кунда фидойиликнинг зарурати ва аҳамияти.

Юқоридаги масалаларнинг амалдаги рўёби, албатта, ҳар бир соҳа вакилидан фидойиликни тақозо этади. Сабаби, биринчидан, бутун дунё бўйича давлат институтларининг халқ билан муносабатларида муайян эврилишлар кузатилмоқда. Айниқса, демократик ислохотларнинг чуқурлашуви натижасида умумхалқ онгу тафаккурининг либерал хусусият касб этиб бораётгани ҳам ижобий, ҳам салбий ҳолатлар вужудга келишига сабаб бўлаётгани кузатилмоқда. Биргина сўнгги “араб баҳори” воқеаларида давлат ҳокимиятининг ўз халқидан, халқнинг ўз давлат ҳокимиятидан узоқлашгани сабаб бўлди. Бу каби воқеликлардан бунёдкор хулоса чиқариш зарур бўлмоқдаки, улар ҳар икки томондан фидойиликни талаб этмоқда.

Шунинг билан бирга, ушбу икки томон ўртасидаги мулоқот ва муносабатларни йўлга қўйишда воситачилик қиладиган сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ҳозиргача амалга оширилган ишлар тизимида “Маҳалла” жамоатчилиқ фонди, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Халқаро пресс-клуб фаолияти кенг жамоатчилиқ зиммасига ҳам ўзига хос масъулият юкламоқда. Албатта, жамоатчилиқ назорати – у журналистлар, ёшлар қатлами ёхуд маҳалла институтларида намоён бўладими, бундан қатъи назар, ўзи ҳимоя қилаётган қатламларнинг турли манфаатларини олға суриш уларнинг ўзидан ҳам фидойиликни талаб этади. Шу ўринда миллий истиқлолимизнинг асосчиси – Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг “Энг буюк жасорат – маънавий жасорат” деган ғоялари эга тушади. Зеро, барча соҳалар бўйича шаклланаётган жамоатчилиқ назоратини бугунги кунда ана шундай “маънавий жасорат”дан, “фидойилик”дан айро тасаввур қилиб бўлмайди.

Иккинчидан, **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган тамойил асосида жойларда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан халқ билан очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш тизими йўлга қўйилгани, бунинг натижасида

фуқароларнинг кўплаб мурожаат ва муаммолари қонуний ҳал этилаётгани кишини қувонтиради. Ушбу тамойилнинг энг асосий хусусияти шундаки, ислохотларнинг бугунги кунда фақатгина айрим олинган тоифа ёки масалаларгагина устуворлик берилмаяпти. Аксинча, “ҳеч бир масала ёки инсон бўлаётган жараёнлардан узоқда қолмаслиги керак” деган ёндашув, илгари эътиборсиз қаратилган нарса ва кишиларнинг умуммиллий жараёнларда ўз ўрни ва роли борлигини эътироф этиш мазкур тамойилга асос қилиб олинмоқдаки, бундан юртимизнинг ҳар бир фуқароси ҳам ғурур, ҳам масъулият туйғусини ҳис этиши табиий.

“Маънавият – энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз” деган тамойил дунё миқёсида кузатилаётган бегоналашув жараёнларига Ўзбекистоннинг муносабатини, унга ўз жавобини англатади, десак хато бўлмайди. Нега деганда, ахборот коммуникация технологияларининг ривожини ва кенгайиши билан жамиятнинг маънавий қиёфасида маълум маънодаги салбий ўзгаришлар кузатилмоқда. Анъанавий қадриятлар, урф-одатларнинг ижтимоий беқарорлик ҳолатларига сабаб бўлаётгани, табиий равишда, аҳолининг маданий савиясини юксалтиришни, ёшлар ўртасида китобхонлик, жумладан, электрон китобхонликни ривожлантиришни, ижодкор зиёлиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш ҳамда уларнинг ютуқларини тарғиб этиш борасидаги ишларни самарали ташкил этишни тақозо этади. Зеро, адабиёт тушкунликка тушган инсон кайфиятини кўтарадиган, одамни мушоҳадага чорлайдиган, синиқ кўнгилларга завқ берадиган, адолатли ҳуқум чиқаришга кўмак берадиган бебаҳо неъмат, барчани маънавиятга чорлайдиган, маърифатли жамиятнинг пойдеворини қурадиган феномен ҳодиса ҳисобланади.

Учинчидан, мамлакатимизда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш орқали давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, **қўшниларимиз билан рақобат қилиш эмас, балки ҳамкорлик қилиш, минтақамиздаги муаммоларни**

биргаликда ҳал этиш тамойилига асосан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Булар бежизга эмас. Чунончи, жаҳон миқёсида рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда яшаяпмиз. Дунёнинг турли минтақаларидаги инқирозлар ана шу сабаблар туфайли содир бўлмоқда. Агарда бу жараёнда ривожланган ва ривожланаётган, ривожланмаган мамлакатлар ўртасида юзага келаётган номутаносибликларга эътибор берилса, жадал ривожланаётган мамлакатимизда буни олдини олиш учун энг оқилона йўл – бошқа хорижий мамлакатлар билан конфронтацияга киришиш эмас, аксинча ҳамкорлик йўли эканлиги аён бўлади. Зеро, кимнидир айбдор деб топиш ва шунга кўра ўзидаги камчиликлардан эътиборни буриш осон, жараёнга киришиб, ундан ўз миллий манфаатлари йўлида фойдаланиб, шижоат билан ишлаш қийин ҳисобланади. Шундай бўлса-да, конструктив натижаларга эришиш айнан қийин, мураккаб йўл билан – фидойилик кўрсатиб фаолиятга киришишга боғлиқ бўлмоқда. Яъни мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни асраш, доимо огоҳ ва ҳушёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш – бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз ҳисобланади.

3-масала. Фидойилик ва мустақилликнинг мустаҳкамланиши.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам, халқимизнинг ушбу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддас. Мана, 26 йилдирки мустақиллик бизнинг энг муқаддас туйғумиз, буюк нематимиз, энг олий қадриятимизга айланди. Хўш, ушбу 26 йил мобайнида ўзбек халқи ва Ўзбекистон қандай ўзгаришлар содир бўлди, нималарга эришдик? Қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятимизнинг асосини нималар ташкил этади? Буларнинг айримлари қуйидагилардан иборат:

- шўро тузуми даврида Ўзбекистон ўз ҳақ-ҳуқуқига эга бўлмаган, мустабид, қарам мамлакат эди. Бугун биз озод, эркин, демократик, ҳуқуқий, инсонпарвар давлатга айланди;

- 26 йил аввал мамлакатимиз жар ёқасига келиб қолган, иқтисодий инқирозга учраган, бир ёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлигига асосланган давлат эди. Бугун эса ўз тараққиёт йўлини танлаб олган, ривожланиб бораётган саноат индустриясига эга, рақобатбардош экспорт маҳсулотлари чиқариб, жаҳон бозорларида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган мамлакат;

- Шўро даврида ўз ташқи сиёсатини мустақил равишда юргиза олиш имконига, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўла олмаган мустамлака “давлат” бўлсак, бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тобора мустақкам ўрин эгаллаб бораётган, турли нуфузли халқаро ташкилотларда ижтимоий тараққиётга оид тинчликсевар ташаббуслари билан эътиборга сазовор бўлиб бораётган, ўзининг мустақил ташқи сиёсатига эга мамлакат сифатида бўй-бастимизни намоён этмоқдавмиз;

- Мустабид совет даврида ўз ташқи сиёсатини мустақил равишда юргиза олиш имконига, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлмаган мустамлака “давлат” бўлсак, бугун Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тобора мустақкам ўрин эгаллаб бораётган, турли нуфузли халқаро ташкилотларда ижтимоий тараққиётга оид тинчликсевар ташаббуслари билан тобора эътиборга сазовор бўлиб бораётган, ўзининг мустақил ташқи сиёсатига эга мамлакат сифатида ўз бўй-бастимизни намоён этмоқдамиз;

- Чорак аср аввал ўз дини, тили, тарихи, миллий қадриятию анъаналаридан узоқлашиб кетаётган, кўнгли синик, эртанги кунга ишончи йўқолиб бораётган халқ эдик. Айни пайтда биз, ўзбек халқи, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган мутафаккир-алломаларимиз, аждодларимиз руҳини шод этаётган, буюк уч минг йиллик давлатчилик тарихидан ҳақли равишда фахрлана оладиган, ўз миллий маданияти, санъатини ҳеч қандай “кўрсатмалар” сиз ривожлантираётган, уни дунё халқлари ўртасида намоёиш этишга маънавий ҳаққи бўлган авлодмиз;

- Мустақилликка эришганимизча биз фақат собиқ “марказ”нинг “қошқовоғи”га қараб иш тутадиган, мустақил равишда бирор нарсани

режалаштиришга имкони бўлмаган, уни ҳаттоки тасаввур этишга умиди бўлмаган одамлар эдик. Бугун эса ўзининг ички ва ташқи сиёсатини мустақил равишда юргиза олиш имконига, **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясига** эга, мамлакатни модернизация қилиш, демократик ислохотларни тобора чуқурлаштириб бораётган, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига айланаётган мустақил давлатмиз.

Бугунги сиёсий мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш барча соҳа вакилларидан фидойиликни талаб этапти, деган фикрнинг ўз асослари бор. Нега деганда, масалан, Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини оширишда фидойилик билан ёндашиш, муҳокама этиладиган барча масалаларда фаол позицияни намоён этиш – сайловчилар, халқ орасида уларнинг вакиллари томонидан куюнчаклик билан ёндашилаётганини кўрсатади. Аксинча, халқ вакилларининг нофаоллиги, фидойилик кўрсатмаслиги халқ оммасида умидсизлик, нигилизмга сабаб бўладики, бундай ҳолат халқ ва давлат ҳокимияти орасидаги масофанинг тобора узоклашишига, улар ўртасида “жарлик” ҳосил бўлишига олиб келади. Шунинг учун ҳам 2017 йил январь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг жойлардаги аҳволни ўрганиш ва халқ билан мулоқот қилишга доир фаолиятини тубдан такомиллаштиришга оид Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг кўшма қарори қабул қилиниб, ушбу Қарорда ҳудудлардан сайланган депутат ва сенаторлар ҳар ойда 10-12 кун давомида бир туманда бўлиб, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилиши, тегишли раҳбарларнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашлари сессияси муҳокамасига киритиши ҳамда тегишли хулосалар бериши; Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат раиси иштирокида ўрганиш натижалари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашлари сессияларини ўтказиши; Олий Мажлис Сенати томонидан ҳар бир вилоятда навбатма-навбат намунавий халқ депутатлари Кенгашлари ишини ташкил этилишига эътибор қаратилди.

Олдинлари, Қонунчилик палатаси депутатлари бир йилда 4 марта ўз сайловчилари билан учрашган бўлса, эндиликда ҳар ойда ушбу учрашувлар ташкил этиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қўшма мажлиси йиғилишидаги нутқида: “Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қуватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий кудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади”**. Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади. Принципиал жиҳатдан ғоят муҳим бўлган бу позициямизни яна бир бор алоҳида таъкидлаб ўтишни муҳим ва зарур деб ҳисоблайман”, дея таъкидланади¹.

Ушбу ғояни кенг фуқаролар орасида тизимли равишда тарғиб этиш лозимлиги белгилаб берилган. Бу бежизга айтилмаган. Шўро давлати ўзини камбағалпарвар сифатида кўрсатар, шу аснода бутун жамиятни бой-бадавлат кишиларга қарши қўйишга интиларди. Бошқача сўз билан айтганда, ўша даврда камбағаллик рағбатлантирилар эди.

Мазкур соҳадаги шарт-шароитлардан фойдалана туриб, фидойилик кўрсатиш – ватанпарварлик руҳи билан суғорилган яратувчанлик, сифатли хизмат кўрсатиш фаолиятида акс этади. Бугунги эркин рақобат майдонида истеъмолчилик кайфиятини бартараф этиш учун, сўзсиз, фаол моддий ва маънавий неъмат яратишни тақозо этади. Фидойилик билан яратиладиган барча неъматлар – хом ашё, ярим тайёр ёки тайёр маҳсулотларни яратиш

¹ Шавкат Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016. – 15-бет.

четдан валюта ҳисобига олиб келинадиган товар ва хизматларни қисқартиришга, ва табиий равишда, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман, Президент Шавкат Мирзиёевнинг кейинги 8-9 ой мобайнида олиб бораётган сиёсати, халқимиз ижтимоий онгига тобора сингиб бораётган ҳаётдан розилик кайфияти барчамизни эртанги кунга умид билан курашга ундамоқда. Буюк ва бебаҳо неъмат – мустақилликнинг Ўзбекистон тараққиётидаги беқиёс аҳамияти бугун яққолроқ кўринмоқда. Шу ўринда буюк мутафаккирларимиздан Абдурауф Фитратнинг қуйидаги сатрлари бугунги кун учун ўта аҳамиятли эканини таъкидлаймиз: “Турма, югур, тинма, тириш, букилма, юксал, хуркма, кириш, кўркма, ёпиш, йўрилма (чарчама), кўзғал!²”

² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. – Т., “Маънавият”, 2000. 41-бет.

2-Мавзу: БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИ МАРД ВА ОЛИЖАНОБ ХАҚИМИЗ БИЛАН БИРГА ҚУРАМИЗ.

Режа:

- 1. Эркин ва фаровон, демократик давлат баро этишдаги устувор вазифалар.**
- 2. Буюк келажакни баро этишда халқ ва жамиятнинг ўрни.**
- 3. Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси асосидаги янги босқичдаги модернизациялаш жараёни.**

1-сентябрь Мустақиллик куни мамлакатимиз истиқлолга эришган, жаҳон харитасида янги, мустақил ва суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлган, халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан буюк тарихий сана бўлиб, эло-юртимиз томонидан энг улуғ, энг азиз байрам сифатида доимо катта шоду хуррамлик билан нишонланиб келади.

Буюк ва бебоҳо неъмат – мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугун ва келгуси авлодлар тақдири, келажак учун беқиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб келмоқда.

Маълумки, 2017 йилдан Ўзбекистон Ш.Мирзиёевнинг ташаббуси ва раҳнамолигидатараққиётнинг янги босқичларини забт этишодимламоқда.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги «Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамир» номли нутқида давлат раҳбари сифатида илк бор асосий устувор вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди. Улар қуйидагилардан иборат эди.

Биринчидан, муҳтарам Биринчи Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов бошлаб берган кенг кўламли сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий

ислохотлар йўлини оғишмасдан, қатъий ва изчил давом эттириш,бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равақ топтиришнинг мустаҳкам замини экалиги қайд этилди.

Иккинчидан, мамлакатимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини кўз қорачиғидек сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш. Жамиятимизда ҳукм сураётган ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада ривожлантириш, қайси миллат, дин ва эътиқодга мансублигидан қатъи назар, барча фуқаролар учун тенг ҳуқуқларни таъминлаш. Уларнинг ўртасига нифоқ соладиган экстремистик ва радикал ғояларни тарқатишга Ўзбекистонда мутлақо йўл қўйилмайди.

Учинчидан, халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтириш.Жамиятимизда коррупция, турли жиноятларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларига қарши курашиш, уларга йўл қўймаслик, жиноятга жазо албатта муқаррар экани тўғрисидаги қонун талабларини амалда таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўриш.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар, шунингдек, нодавлат ноижорат ташкилотлари, эркин ва холис оммавий ахборот воситалари фаол ўрин эгаллайди. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига амалга оширишда ана шу ижтимоий институтларнинг куч ва имкониятларига таяниш муҳимлиги қайд этилган.

Шу муносабат билан халқ ҳокимиятининг энг муҳим пойдевори сифатида жамоатчилик назорати институтини кучайтириш бўйича мамлакатимиз Конституциясининг 32-моддасида, шунингдек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа ҳужжатларда муҳрлаб қўйилган талабларнинг ижросини таъминлашга алоҳида эътибор

каратиш. Бу муҳим ишда биз барча фуқароларимиз, энг аввало, ёши улғу, улкан ҳаётий тажрибага эга нуруний оқсоқолларимиз, катта авлод вакилларининг маслаҳатлари ва фаол кўмагига таяниш.

Резидентимиз таъкидлаганидек “Ўзбекистон бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир. Бу салоҳиятни яратиш ва янада кўпайтиришда ҳурматли зиёлиларимиз – илм-фан ва техника намояндалари, биринчи навбатда кадрли ва ҳурматли академикларимиз, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларининг вакиллари бутун вужудини бериб, фидокорона меҳнат қилаётганларини биз яхши биламиз ва юксак кадрлаймиз. Ана шу заҳматкаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратишни биз ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор”³.

Бугунги кунда “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!” деган ҳаётий даъват ҳар биримизнинг, оналар ва кенг жамоатчиликнинг онги ва қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг 32 фоизини ёки 10 миллионини 30 ёшгача бўлган ёшларимиз ташкил этади. Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани ғурур ва ифтихор бағишлайди. Бу соҳада олиб бораётган кенг миқёсли ишларимизни, хусусан, таълим-тарбия бўйича қабул қилинган умуммиллий дастурларини мантиқий якунига етказиш зарур.

“Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш

3

келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” – деб президентимиз алоҳида қайд этди⁴.

Тўртинчидан, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлашдек муҳим тамойил ва устувор вазифани амалга ошириш стратегик вазифа бўлиб қолади. Аввало иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш борасидаги ишларимизни янада чуқурлаштириш, унинг соҳа ва тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш бўйича бошланган ишларни жадаллаштириш. Тармоқлар ва ҳудудларни модернизация қилиш, уларнинг рақобатдошлик даражасини ошириш, экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Бунинг учун хорижий сармоялар ва илғор технологияларни ҳамда ахборот-коммуникация тизимларини барча соҳаларга янада фаол жалб этишимиз зарур бўлади. Айнан шу асосда 2030 йилгача мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 2 баробардан зиёд кўпайтиришга эришишимиз даркорлиги илгари сурилган.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади. Энг аввало, агросаноат комплекси ва унинг локомотиви, яъни ҳаракатга келтирувчи кучи бўлган кўп тармоқли фермер хўжаликларини изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилади.

Иқтисодиётда давлат иштирокини стратегик асосланган даражада қисқартириш, хусусий мулкни янада ривожлантириш ва уни ҳимоя қилишга доир комплекс масалаларни ҳал этиш – ҳукумат, давлат бошқаруви органлари ва барча даражадаги ҳокимликлар учун энг муҳим устувор вазифа сифатида белгиланади.

Президентимиз таъкидлаганидек «Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий кудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушини

4

янада ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Нега деганда, тадбиркор нафақат ўзини ва оиласини, балки халқни ҳам, давлатни ҳам боқади. Мен такрор бўлса ҳам, айтишдан ҳеч қачон чарчамайман, яъни “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”⁵.

Бешинчидан, амалга ошираётган иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий ўзгаришларнинг самараси, биринчи навбатда, аҳолининг моддий аҳволи ва фаровонлигини, унинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қай даражада таъсир кўрсатаётгани билан ўлчанади. Бебаҳобойлик бўлган инсон саломатлигини асраш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг бирламчи бўғинидаги бўлинмалари ва қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, тез тиббий ёрдам ва юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатадиган, ихтисослашган махсус марказларни янада ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш Хукуматнинг эътибор марказида бўлиши илгари сурилади.

Олтинчидан, аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўришни энг муҳим ва устувор вазифа, деб ҳисоблаш. Энди нафақат ҳукумат, балки мутасадди вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, шунингдек, ҳокимларнинг ҳам бу борадаги фаолияти яқунлари бўйича ҳисобот бериш тизими жорий этилиши ва шунга қараб уларнинг ишига баҳо берилиши. Шу сабабдан ҳар бир раҳбар ва мансабдор шахсдан айна шу асосда тизимли ва самарали иш олиб боришни талаб этилиши илгари сурилди.

Президентимиз юқоридаги вазифаларни амалга оширишда халқ билан мулоқот ва маслаҳатлаиш ҳақида тхталиб, «ҳаммамизни тарбиялаган, вояга етказган – шу халқ. Барчамизга туз-насиба берган ҳам – шу халқ. Бизга ишонч билдирган, раҳбар қилиб сайлаган ҳам айнан шу халқ. Шундай экан, биз биринчи навбатда ким билан мулоқот қилишимиз керак – одамларимиз билан. Ким билан бамааслаҳат иш тутишимиз керак – аввало халқимиз билан.

5

Шунда халқимиз бизданрози бўлади. Халқ рози бўлса, ишимизда унум ва барака бўлади. Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади», деб алоҳида таъкидлади.

Президентимизнинг “Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз” деган консециясига асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислохатларни чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партияларни ролини, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари роликучайтириш орқали давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишларни атрофлича ёритиш ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган қўшма мажлисидаги нутқи матбуотда *“Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз”* деган сарлавҳаси билан босилди.

Келтирилган ана шу ҳаракатлар ўртасида изчил мантиқий боғлиқлик бор. Улар замирида халқ ва давлат бирлиги кўзда тутилган.

“Давлат”, “мамлакат”, “ҳукумат”, “ҳокимият”, “жамият”, “халқ”, “миллат”, “халқ ҳокимияти” тушунчалари бор.

Демократик тузумда буларнинг ҳар бири ўзига хос аҳамият касб этади. Айтайлик давлат билан ҳукуматни обдон фарқлаб олмай туриб, давлат ва жамият вазифалари ўртасидаги тафовутни ҳам аниқлаштириб олиш - мушкул. Чунки демократик тузумда давлат вазифалари билан жамият вазифалари ўзаро қатъий чегараланади, яъни вазифалар ўзаро тақсимлаб олинади.

Шўро давлати жамиятнинг барча вазифаларини ўз бўйнига олган, шунинг учун тузумда жамиятнинг ўрни ҳам, жамиятда фуқаронинг фаоллиги ҳам чеклаб ташланган эди. Одамларимиз тасавурида мавжуд давлат

хақидаги эски қарашлар ҳамон тараққиётимизга халал бериб келаётгани ҳам рост. Холбуки, ҳаётнинг бир қисм муаммосини давлат, қолган кўп масаласини жамият ҳал қилиши самарали ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ қабулхонаси ва виртуал қабулхонаси ҳам фаолият юритмоқда. Барча идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимиятларнингшундай қабулхоналари ташкил этилди. Бу эса аввало резидентимиз таъкидлаганидек ҳокимиятни халққа хизмат қилишини, одамлар дарди билан яшашини таъминласа, шу билан бирга халқ билан ҳокимиятнинг ҳамкорлиги ва уйғунлигини таъминлайди.

Халқ билан мулоқот ҳаётдаги муаммоларни ойдинлаштиради. Одамлар инсофсиз эмаски, ҳамма масала ечимини давлатдан кутаверса. Аммо шундай нарсалар борки, уни фақат ва фақат давлат идоралари амалга оширади ёхуд халқ бундай муаммони яққаш давлат билан биргаликдагина ечади.

Масаланинг бундан ҳам муҳим бир жиҳати бор. Бу - давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ. *“Адолат - қонун устуворлигида”*, - деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилишга шу тариқа эришилади. Кўриниб турибдики, жамоатчилик бевосита давлат ва жамият бошқарувига аралашини керак.

Мамлакатимизда шу тариқа давлат ва халқ ўртасидаги чамбарчас боғлиқликни кучайтириш даври бошланди. Мустақилликнинг 26 йиллигини нишонлашга бағишланган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурида, жумладан, **“Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”** деган тамойилга асосан мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш орқали давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишларни атрофлича ёритиш кўрсатилган.

Бу борада мамлакатимиз ўтган йиллар мобайнида тамоман ўзига хос тарихий йўлни босиб ўтди. Бу ишларни ким амалга оширди? Албатта, давлатимиз раҳнамолигида мард ва олижаноб халқимиз амалга оширди. Бундан буён ҳам тараққиётимиз айнан ана шу давлат вахалқнингжипслигига таянади. Бусиз ҳеч бир мамлакат ўз олдига куйган эзгу мақсадларга эришган эмас.

Яна бир тамойил юқоридаги билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу - **“Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”** деган тамойил.

Ўтган 26 йил мобайнида халқимиз ўз миллий давлатини қурди. Давлат қуриш эса халқ ва мамлакат тарихида жуда мураккаб ва ўта муҳим босқич ҳисобланади.

Хусусан, қарийб бир ярим аср мобайнида мустамлака исканжасида яшашга мажбур этилган халқ учун бу қанчалар оғир кечишини бир кўз олдимизга келтирайлик.

Биринчидан, халқ сиёсий жиҳатдан ҳуқуқларидан тамоман махрум қилиб ташланди. У ҳамма масалада собиқ марказдан сўраш, унинг қошу ковоғига қараб иш кўришга мажбур этилди.

Иккинчидан, иқтисодий жиҳатдан республикамиз бир ёқлама ривожланган, асосан, пахта хомашёси етказиб беришга мослаштирилган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли тус олган бир ўлкага айланиб қолган эди. Чунки иқтисодиётнинг “олтин” қондаси шуки, ҳеч қачон хомашё сотган бой булмайди. Ўзбекистонимизда ўша йиллари етиштирилган 5 миллион тоннадан ортиқ пахтанинг атиги 8-10 фоизигина ўзимизда қайта ишланган, қолган қисми олиб кетилган ва асосий фойда тайёр хомашёни қайта ишлаган бегона ҳудудларга келиб тушган.

Вазиятни тўла-тўқис кўз олдимизга келтириш учун Ислом Каримов томонидан 1990 йил 4 июнида қайд этиб ўтилган мана бу маълумотларга диққат қилайлик:

“Республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар

бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охирги ўринлардан бирида турибди. Ҳар киши бошига ялти ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариши бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариши бўйича кўрсаткич эса - Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиши жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охирги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистонаҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман, мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўртаҳисобда 75 сўмдан камроқ ялти даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионгаяқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришида ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти”.

Учинчидан, халқнинг миллий маънавиятига болта урилди. Республикада аҳолининг тўртдан уч қисмини ўзбеклар ташкил этиши, қардош миллатлар вакилларида иборат яна 15 фоиз аҳоли ўзбек тилини яхши билишига қарамай, ўзбек тили Ўзбекистонда давлат тили эмас эди. Хатто, ўзбек тили ва адабиёти ҳақидаги диссертациялар дам рус тилида ёзилиб, ёдланар эди. Шўро даврида миллат аввал арабий, кейин лотин, ундан сўнг эса кирилл ёзуви асосидаги алифболарда савод чиқаришга мажбур қилинди. Мақсад - халқни ўз ўзанларидан маҳрум этиш, меросидан айириб қўйиш, шу тариқаунгатарихиниунуттириш эди. Мукаддас динимиз бадном қилинди, у билан боғлиқ барча қадриятларимиз, зиёратгоҳ ва

кадамжойларимиз топталди. Муқаддас масжиду мадрасаю хонақоҳлар, хаттоки, маҳаллий ўғитлар сақланадиган омборларга айлантирилди.

Холбуки, ҳар бир халқ ўз тарихий илдизларига суянган ҳолда равнак топади. Мустақиллик йилларида бу тўла-тўқис тасдиғини топди.

Ҳақиқат қиёсда аёнлашади, деган гапбор. Мустақилликдан олдинги 1990йили юртимиз аҳолисининг асосий озиқ-овқат товарлари, аввало дон, картошка, гўшт, сут ва қандалолат маҳсулотларига бўлган эҳиёжи импорт ҳисобидан қопланган. Хозирги вақтда эса бундай товарларнинг қарийб ҳаммаси мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариляпти. Ёки эндиликда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 90 - 92 фоизини етказиб бериш билан бирга, қишлоқ тараққиётида ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий ҳаракатга ва етакчи кучга айланиб бораётир. Мустақилликка қадар юртимизда умуман мавжуд бўлмаган, бугунги кунда эса жамиятимизнинг кудратли таянчига айланиб бораётган *ўрта* синф – мулкдорларсинфи жадал ривожланаяпти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ортиб боряпти.

Бу ишларнинг бари аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган, шу тариқа мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг мустаҳкам пойдевори яратилди.

Юртимиз илгариги қолоқ, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли даражада авж олган аграр ўлкадан бугунги кунда изчил тараққий этиб бораётган замонавий индустриал мамлакатга айланди. Бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган нефть ва газ кимёси, нефть-газ машинасозлиги, автомобилсозлик замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электроника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик саноати каби соҳа ва тармоқлар жадал ривожланмоқда.

Бизда бу ютуқлар билан чекланиб қолинаётгани йўқ. Хали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларига

карамасдан, мамлакатимизнинг иқтисодий жихатдан қатъият билан илгарилаб боришига асос бўлаётган аниқ мезон ва омиллар мавжуд.

Бундай ютуқларнинг адоғи йўқ.

Хўш, бу муваффақиятларга нималар эвазига эришдик?

Аввало, оқилона олиб борилган сиёсат туфайли Ўзбекистонимиз саноати тез суръатлар билан ўсиб, иқтисодий қудрати ва салохияти юксалиб бораётган замонавий давлатга айланди.

Қисқа фурсат мобайнида мамлакатимизда давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан халқ билан очиқ ва самарали мулоқат олиб бориш тизими йўлга қўйилди. Бунинг натижасида фуқароларнинг кўплаб мурожаат ва муаммолари қонуний хал этила бошлади.

Давлатнинг халқда бундай қайишиши натижасида одамларнинг рухиятида катта ўзгариш юз берди. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ортди, сиёсий хабардорлик даражаси кўтарилди. Очиғини айтганда, мамлакатимизда “Ўзбекистон 24” телеканалининг “Ахборот” ва “Тахлилнома” кўрсатувларини ўтказиб юбориш мумкин бўлмаган бир ижтимоий-ахборий фаол бир давр бошланди. Чунки мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган энг муҳим янгиликлардан ўз вақтида хабар топиш керак. Акс холда, киши ҳаётдан орқада қолгандай сезади ўзини.

Энг муҳими, жамиятда тадбиркорлик муҳити жонлантириб юборилди. Ишбилармонларга давлат томонидан қулай имкониятлар яратиб берилляпти. Бир пайтлар тадбиркор кредит сўраб банкларга ялиниб борган бўлса, энди банкларнинг ўзи тадбиркорларга кредитлар таклиф қилляпти. Буларнинг бари мамлакатда ишлаб чиқариш ва хизматларнинг мисли кўрилмаган турлари, кўплаб янги иш жойлари юзага келишига асос бўляпти.

26 йилликка багишланган Қарорда ҳам қайд этилганидек буларнинг бари замирида **“Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”** деган тамойил ётибди.

Президентимизнинг “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз” деб номланган асарларидаяна

мамлакатимизни **модернизация** қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, парламент ва сиёсий партияларнинг ролини, давлат бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш орқали давлат ва жамият қурилишини такомиллаштиришга қаратилган кенг қўламли ишларни атрофлича ёритиш масалаларига йўналтирилган. Шундан келиб чиқиб, авваламбор, биз модернизация ҳақида батафсил тўхталамиз.

MODERNIZATSION - инглизча **модерн** сўзидан олинган ва у *замонавий, илғор, янгиланган* маъноларини англатади. Унинг ҳам ўз назарияси бўлиб, 2 йўналишдан либерал ва консерватив йўналишлардан иборат.

Модернизация жамият соҳаларини замон талаби билан ўзгартириш жараёни бўлиб, янгиланиш орқали янги сифат даврига ўтишни англатади.

Ҳар бир давлатнинг ўз модернизация давлари мавжуд. Жумладан, Осиё мамлакатлари модернизацияси, Шарқий Европа мамлакатлари модернизацияси, АҚШ модернизацияси сингарилар ва ҳаказо. Модернизация эътиборга олинган ҳолда айрим янги саноатлашган мамлакатлар (Жанубий Корея, Тайвань, Сингапур, Бразилия) тажрибаси Ўзбекистон учун фойдали бўлиши мумкин.

Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, фан-техника ривожланишини, таълим тараққиётини етакчи куч сифатида тан олиб, авваламбор, шу соҳаларнинг ривожига жиддий эътибор қаратган мамлакатгина яхлит ва ўзаро боғланган дунё шароитида ўз ҳалқининг муносиб турмуш даражасини таъминлай олади.

Модернизация жараёнлари ҳар бир давлат ривожланишининг таркибий қисми ҳисобланади. Модернизация ижтимоий тарихий жараён бўлиб, унинг натижасида анъанавий жамиятлар тараққий топган, илғор ва саноати ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишга интилади. Бу жараён давлатнинг сиёсий тизимига ҳам тегишлидир.

Шу билан бирга мамлакатимизда модернизация жараёнларини янги босқичга кўтаришда резидетимиз ташаббуси билан Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг даставвал сайловолди учрашувларида ҳалқнинг кенг муҳокамасидан ўтказган ғоялари 2017 йил 7 феврал кунидан бошлаб эълон қилинган Ҳаракатлар стратегиясининг асосини ташкил этди.

Мамлакатимиз ҳаётининг барча томонларини ўзида камраб олиб, 5 йилга мўлжалланган ушбу мукамал тарихий ҳужжат Ўзбекистонда кенг камровли модернизация жараёнлари бошланганлигини билдирмоқда.

Унда Ўзбекистоннинг кўп минг йиллик тарихи, ўзига хослиги, ўз хусусиятлари, менталитети ҳам инобатга олинган. Демак Ўзбекистон жамиятининг имкониятлари, салоҳиятини, орзу-умидларини тулақонли руёбга чиқариш йўллари белгиланди.

Ушбу Ҳаракатлар стратегияси мамлакат ҳаётининг устувор йўналишлари сиёсий, ҳудудий, иқтисодий, ижтимоий, хавфсизлик ва бағрикенглик йўналишларининг барчасида янгиланиш - модернизация жараёнлари бошланганлигини англатади.

Ҳаракатлар стратегиясида фан ютуқларига асосланган ижтимоий-маданий тараққиёт ва сиёсий тузилмаларнинг эртанги куни, истиқболи ҳам эътиборга олинганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Шу маънода республикамизнинг барча ҳудудларида саноатлаштириш, маҳаллий ҳудудлар ўзига хослигини инобатга олиб амалга ошириш учун ишлаб чиқилган лойиҳалар ва дастурларнинг тақдимотларининг амалда жорий этилаётганлиги, умумҳалқ кўтаринкилиги бундай талабларга берилаётган жавоблардир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнларида ҳам бир қатор шарт-шароитларни эътиборга олиш зарур. Булар:

1. Таълим тизимини жадал ривожлантириш, одамларни янги касбларга йўналтириш, жамиятда таълим олишга, янги касбларни ўзлаштиришга чанқоқлик муҳитини яратиш, шахсий ва жамоавий ташаббусни

ривожлантириш, ўзини ўзи уюштириш ва интизомни сақлашга лаёқатли янги хизматчи типини шакллантириш, модернизация субъекти бўлишга қодир фаол одамларнинг фикрлаш тарзини ўзгартириш, бунинг учун демократияни, шу жумладан, иқтисодий демократияни изчил ривожлантириш;

2. Иқтисод тузилишининг тубдан ўзгариши, хўжаликни замонавий, фан-техника ютуқларига асосланган соҳаларга, шунингдек бевосита одамларнинг эҳтиёжларини қондириш учун ишлайдиган ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаларига қайта йўналтириш, рақобатбардош, мослашувчан ва ликвидли хўжалик юритиш механизмининг вужудга келтириш, модернизация субъектини ривожлантиришга ёрдам берадиган шахсий ва ижтимоий истеъмол моделини тузиш, бутун жамиятни ва давлат сиёсатини маданият томонга буриш.

3. Барқарор ривожланиш вазифасини ҳал қилиш учун юксак технологиялар соҳасида эришилган ютуқларни мустақамлаш, яқин келажакда Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига дадил чиқишини ва саноатнинг қолган қисмини реконструкция қилишни таъминлайдиган ҳамда истеъмол бозорини кенгайтириш учун зарур валюта тушумларининг асосий манбаи бўлиб хизмат қила оладиган ишлаб чиқаришларни кенг жорий этиш.

Президентимиз ташаббуси ва раҳбарлигида бошланган янги модернизация жараёни учун ўзини ўзи уюштира оладиган, интизомни сақлашга лаёқатли янги хизматчи типини шакллантириш, модернизация субъекти булишга қодир фаол инсонларнинг фикрлаш тарзини, онгини ўзгартириш энг асосий вазифа ҳисобланади.

Онгда ўзига хос инқилоб яшаш зарур. Бусиз жамиятдаги ўзгаришлар тулиқ идрок этилмайди ёки номувофиқ шакллар касб этади. Шунингдек Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини модернизация қилишда давлатнинг ўрни муҳим омил ҳисобланиб, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда, инсон ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашда, республика иқтисодиётини тубдан янгилашда ва бошқа соҳаларда давлат бош ислоҳотчи сифатмасъулиятни ўз зиммасига олганлиги билан изоҳланади. Давлат шахсий ва жамоавий ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаб, сиёсий барқарорлик ва

мустахкам тартибни кафолатлайди. Зотан, сиёсий барқарорлик ва тартиб таъминланмаса, ҳеч қандай модернизацияни амалга ошириш мумкин эмас.

Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент.: “Маънавият”, 2008.
2. И.А.Каримов Ўзбекистон мустақиллик остонасида. –Тошкент.: “Ўзбекистон”, 2011.
3. Ш.М.Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. . – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2016.
4. Ш.М.Мирзиёев Қонун устуворлиги ва инсон манфаатлари таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. 2016 йил 7 декабрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. 2017 йил 14 январь/Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Ш.М.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.
7. Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон! Услубий қўлланма / Республика маънавият ва маърифат маркази. – Т.: “Маънавият”, 2017. – 208 б.